
Касб-хунар мактаби томорқасида етиштирилган ҳосилдан 20 млн сўм даромад олиш кутилмоқда

Фурқат тумани касб-хунар мактабида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида бугунга қадар 3000 дона терак қаламчалари, 1000 донадан ортиқ ток қаламчалари, 2000 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилган бўлиб, кўчатлар парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда мактаб ҳудудида етиштирилган узум ва олма мевалари пишиб етилиш арафасида. Масъулларнинг таъкидлашича ўтган мавсумда биргина узум ҳосилининг ўзидан 15 млн сўм даромад олиниб, мактабда таъмирлаш ишлари ва кўчатлар хариди учун сарфланган.

Жорий мавсумда эса 20 млн сўм даромад олиш кўзланган бўлиб, олинган даромаддан ўқувчилар учун компьютер жамланмалари сотиб олиш режалаштирилган.

2023-08-15 18:14:07